


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**«Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти, фалсафа»
кафедраси**

Барча бакалавр йўналиши 4 курс талабалари учун

**«Политология»
фани бўйича**

МАЪРУЗА МАТНИ



НАМАНГАН-2011 йил

Мавзу: Сиёсий қарашлар ва таълимотлар: шаклланиши ва ривожланиши.

Сиёсий ғоя ва қарашлар тарихи узоқ ва мураккаб тараққиёт даврини ўз ичига олган моддий ишлаб чиқариш усули ва ижтимоий-иқтисодий муносабатлар замида шакллана бошлаган. Сиёсий қарашларнинг илк намуналари қадимги Миср, Бобил, Ҳиндистон, Хитой давлатлари ҳудудида диний-мифологик кўринишларда пайдо бўлган. Уларга кўра ҳар қандай ижтимоий ҳодиса-воқеълик ўз келиб чиқиши нуктаи назаридан илоҳий кучлар хоҳиш-иродаси билан рўй беради. Тарихий манбаларда келтирилишича қадимги Миср шоҳи Рамес II худо томонидан бошқариш учун яратилган. Худо унинг отасидир¹.

Эрампдан олдинги минг йилликларда Хитойда ҳам шох “Осмон ўғли”, илоҳиёт хоҳиши-иродаси деб юритилган. Лекин Конфуций (эрампдан аввалги VI-V асрлар) таълимотида осмонни дунёни бошқарадиган энг олий куч деб тан олинсада жамиятни бошқариш, асосан, ахлоқий қоидаларга асосланиши кераклиги уқтириб ўтилади. Мутафаккир одамларни тақдирга тан бериш, давлат ишларига аралашмасликка даъват этади, маърифат, тарбияга, ахлоқий етуклик ва инсонпарварлик ғояларига катта эътибор беради.

Ҳар бир янги давр бу ижобий ёки салбий ўзгаришлар даври. Бунинг исботини ана шу кўхна Хитой донишманди Мо-Цзи (эрампдан аввалги V-VI асрларда) олға сурган, биз яшаётган ҳозирги даврда ҳам ўз кадр-қимматини йўқотмаган, барча кишиларни табиатан тенглиги, давлат халқники эканлиги ва уни шартнома асосида бошқарилиши лозимлиги, давлат лавозимларига раҳбарларни ижтимоий келиб чиқиши, бойлиги, қариндош-уруғлигига қараб эмас, балки уларнинг шахсий хислат-фазилатларига, қобилиятларига қараб тайинлаш, олий ҳокимият халқ кўлида бўлиши кераклиги² каби илғор ғоя-таълимотларда кўришимиз мумкин.

Мо-Цзи катта давлат кичик давлатга хужум қилмаслиги, қудратли оила, ожиз, кичкина оилага зуғум ўтказмаслиги, кучли кучсизни таласмаслиги, муғомбир соддани алдамаслиги, таниқли танилмаганнинг устидан кулмаслиги, кишилар бир-бирига дўстона муносабатда бўлишларини талаб қилган. Мутаффакир издошлари Конфуций илгари сурган тақдири азал ғоясини рад этганлар. Улар ҳар қандай урушга қарши бўлганлар, барча низоларни уруш йўли билан эмас, балки сиёсий-келишув музокаралар йўли билан ҳал этиш тарафдори бўлганлар³.

Сиёсий ғоя ва қарашлар тарихида қадимги Юнонистон, айниқса, янги сиёсий ташкилот-Афина демократиясининг демократик полисини (шаҳар-давлат) ташкил этилиши (эрампдан олдинги VIII-VII асрлар) муҳим бурилиш ясади. Шаҳар-давлатни олдинги давлат тузилмаларидан фарқли томони шундан иборат эдики ойига 3-4 марта чақирилиб туриладиган халқ мажлисларида Афинанинг ҳамма балоғат ёшига етган эркак фуқаролар иштирок этганлар. Йиғилиш қатнашчилари жамият ижтимоий –сиёсий ҳаётининг барча жабҳаларига доир қонун-қарорлар қабул қилиш, аҳолидан ундириладиган солиқлар ҳажмини белгилаш, олинган даромадни тақсимлаш, мамлакат бошлиғи-архонтни, генералларни, судларни сайлаш, жинойтчиларни судлаш, урушлар эълон қилиш, бошқа давлатлар билан битимлар тузиш ва бошқа масалаларни очиқ овоз бериш йўли билан ҳал этардилар. Полис ташкил этилгунга қадар давлат лавозимларини фақат бойлар эгаллашарди. Энди шундай ҳуқуқ ҳар бир бошқарув ишларига қобилиятли фуқароларга берилди⁴.

Юнонистонга ўша давр жаҳон цивилизацияси ютуқларини кириб келиши, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ривожини жамият сиёсий ҳаётидаги туб ўзгаришлар нафақат буддавийлик, зардуштийлик кейинчалик христиан динларини пайдо бўлишига, балки фалсафа ва бошқа фанларни ривожланишига ҳам асос солди.

Эрампзгача бўлган VI-III асрлар давомида яшаб ижод этган юнон файласуфлари Демокрит, Гераклит, Сократ, Платон, Аристотель асарларида сиёсат, унинг табиати, мазмуни йўналишлари, давлат бошқарувининг услуб, тамойиллари, ижтимоий адолат, ахлоқ ва ҳуқуқ масалаларига катта эътибор берилган.

Платон ўша давр мутаффакирларидан биринчи бўлиб давлат бошқарувининг мукамал ва номукамал шакллариини ихтиро қилади. Унинг номукамал шакли тимократия яни бойлик ва амалга ружу қўйган, шухратпараст, иззатталаб одамлар ҳокимияти; Олигархия-озчиликни ташкил

¹ Қаралсин: История политических учений. Изд-ва “высшая школа”. М: 1965. с.29.

² Қаралсин. Ўша ерда. 41 бет.

³ Қаралсин: Фалсафа: Қомусий луғат (тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров).-Т.: “Шарқ”. 2004. 281-282 б.

⁴ Қаралсин: Хеллер Джозеф. Вообразы себе картину. Журнал. Иностранная литература. М. 1998. №2. С.63.

этган бадавлат кишилар ҳокимияти: демократия-оддий, қора халқ, кўпчилик ҳокимияти ва нихоят, тирания-зулмкор, шафқатсиз одамлар ҳокимиятидан ташкил топади⁵.

Донолик, жасорат, мулоҳаза ва адолат тамойиллари асосида бунёд этилган жамият аъзоларининг турли эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладиган идеал давлатдаги бошқарув эса идора этишнинг мукаммал шаклидир. Идеал давлатни ҳам озчилик бошқаради, лекин бу ишни олдиндан тайёргарлик кўрган, ҳар томонлама етук қобилиятли, билимдон кишилар амалга оширади. Давлат ҳар бир фуқарони табиати, мойилликларига қараб иш билан таъминлайди ва унга яраша кадрлайди. Шунинг учун ҳам Платон жамиятни табақаларга: ҳуқумдор-файласуфлар, соқчи ва ҳарбийлар ҳамда жисмоний меҳнат билан шуғулланувчи ҳунарманд, деҳқонларга бўлади.

Биринчи ва иккинчи табақадагилар давлатни бошқариш, ундаги тинчлик, осойишталикни таъминлаш билан шуғулланадилар ва вазифаларидан келиб чиқиб бир-бирларига яқин турадилар. Учинчи табақа вакиллари эса жамият эҳтиёжини қондирувчи моддий бойликлар ишлаб чиқарадилар. Меҳнат тақсимотининг бундай шакли олимнинг тасаввурида ўша даврдаги ҳар қандай жамият ва давлат қурилишининг тамал тоши–фундаменти бўлиб хизмат хизмат қилиши керак эди.

Платоннинг идеал давлат ҳақидаги қарашлари утопик характерга эга. Зеро ундаги биринчи, иккинчи табақа аъзоларининг на шахсий мол-мулки, оиласи ва на даромад манбаи бўлсин. Буларнинг барча-барчаси умумий ҳаммаси, хаттоки бола тарбияси ҳам давлат томонидан амалга оширилади, бошқарилади. Давлат жамият аъзоларининг шахсий ҳаётини ҳам ўз назоратидан четда қолдирмайди⁶. Аммо Платон фан тарихида илк бор жамият қурилишининг назарий жиҳатларини таҳлил қиладиган ва ҳаёлий бўлса ҳам унинг лойиҳасини ишлаб чиқади.

Платоннинг шогирди, Александр Македонский (Искандар Зулқарнайн) нинг устози Аристотель биз ўрганаётган политологиянинг алоҳида фан бўлиб ажралиб чиқишига асос солган буюк алломадир. Мутафаккир фикрича сиёсат ҳақидаги фаннинг асосий вазифаси давлат қурилишининг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқишдан иборатдир.

У қадим Юнонистондаги 158 давлат тузилмаларининг келиб чиқиши тарихи, фаолият кўрсатиш жараёнларини ҳар томонлама таҳлил қилиб ўзидан олдин ўтган мутафаккирларнинг бу соҳадаги ғоя ва қарашларини умумлаштирди ва ривожлантирди. Давлат табиий тузилма бўлиб у қонун асосида бошқарилиши лозим. Қонун ҳукмронлиги ўрнатилган жамиятдагина адолат қарор топиши мумкин деб таъкидлайди олим. Жамият тараққиёти оиладан, жамоа, ундан эса давлат даражасига ёйилади. Лекин, мантиқан давлат бирламчидир. Зеро у барча имкониятларни жамият олдида турган мақсад-вазифаларни бажаришига сафарбар қиладиган ва амалга оширадиган ягона куч-воситадир. Аристотелнинг асосий мақсад-вазифаси фуқароларга фаровонлик, яхши ҳаёт тухфа этишдан келиб чиқиши керак. Унинг сиёсий қарашларида ҳам Платон таълимотлардаги тенденция-киши давлатнинг ажралмас бир қисми, жамият, давлат манфаатлари шахсий манфаатлардан устун қўйилганлиги кўзга ташланади. Шахсий манфаатлар жамият манфаатларига бўйсундирилади. Аммо алоҳида олинган шахснинг ҳаммаси ҳам давлат таркибига кирмайди, тўлақонли аъзо бўлолмайди. Бу ҳол энг аввало қуллар ва қуллик билан боғлиқдир. Фуқаролар эркин, озод кишилар. Уларнинг ҳўжайини йўқ, ҳеч кимга тегишли эмаслар. Фуқаролар ҳарбий ишлар, қонунчилик кенгашларининг йиғилишлари, судлов ишларида иштирок этадилар. Қишлоқ ҳўжалиги, саноат ишлаб чиқаришда меҳнат қилиш қуллар тақдир-қисматига битилган юмушдир⁷.

Файласуф таълимотидан устози томонидан ишлаб чиқилган идеал давлат тузуми ўрнига у ўзининг идеал давлат ҳақидаги янги таълимотни олға суради. Унинг давлат, Полис ижтимоий асосини ҳарбийлар табақаси ва давлат манфаатлари ҳимоясида турадиган, эндигина кўрсатиб ўтилган, қонунчилик кенгаши ҳамда судлов ишларида иштирок этадиган кишилар табақаси ташкил этади. Худди ана шу иккита синф давлат ва мулкка эгалик қилишга ҳақлидирлар. Фуқаролар ҳам шуларнинг ўзлари. Аммо Полисда мулкдор синфлардан ташқари фуқаролик ҳуқуқига эга бўлмаган қуллар билан тенглаштирилган куйи синф ҳам бор. Улар бошқарув ишларида қатнашмасалар ҳам Полис таркибига кирадилар. Ушбу ҳолат, вазиятни ҳисобга олиб Аристотель бошқарув ишларида фаол қатнашадиган ўрта синф ҳақида сўз юритади.

⁵ Қаралсин: Асмус В.Ф. Античная философия. Учеб. Пособие. Изда дон. М., “Высшая школа” 1976. С. 236-238.

⁶ Қаралсин: Асмус В.Ф. Античная философия. С. 238-242; Политология учебник для вузов/под. ред. М.А.Василика. С.43-44.

⁷ Қаралсин: Ўша ерда. 379-392.

Аристотель ўзи яшаган даврдаги давлат бошқаруви шакллари икки гуруҳга бўлади. Биринчи, бошқарувни тўғри шаклига монархия, аристократия ва полиция (кўпчилик) ва иккинчи, нотўғри шаклига тирания, олигархия, демократия киради. Донишманд жамиятда рўй бериши мумкин бўлган сиёсий ларза, ағдар-тўнтаришларни келиб чиқиш сабаблари, давлат тузилишини мамлакат худудининг катта-кичиклиги; аҳоли сони ва кишиларнинг феъл-атвориға боғлиқ эканлигини ҳар томонлама таҳлил қилади. Олим гарчанд Платон сингари аристократлар бошқарувини тарафдори бўлса ҳам давлатни идора этишнинг аралаш шакли, кўпчилик-полиция бошқаруви ҳам ўзини оқлаши мумкинлигини башорат қилади.

Антик давр сиёсий ғоя ва қарашлари ҳақида гап кетганда, албатта, қадимги Рим мутафаккири, тенги йўқ нотик Цицерон (эрамиздан олдинги 106-43 йиллар) тилга олинади. У ўзининг сиёсий назарияларида иккита энг муҳим ғоя-жамиятдаги адолат, энг яхши, ҳақиқий конституция қабул қилинганидагина амалга оширилиши ҳамда қонунларни ҳурмат қилмайдиган одамларсиз қонунлар ҳеч нарса эмаслиги ғоясини олға суради. Табиий, ҳақиқий ҳуқуқ деб ёзади файласуф ҳар қандай битиладиган қонун давлат қурилишидан аввал пайдо бўлган. Давлатнинг ўзи моҳият-мазмунига кўра адолат ва ҳуқуқ тимсолидир. У Платон ва Аристотелдан фарқли равишда давлат бошқаруви монархия, аристократия ва демократиянинг энг афзал томонларини ўзида мужассамлаштирган аралаш бошқарувни таклиф қилади. Хулоса қилиб айтиш мумкинки Цицерон ҳуқуқий давлат ижодкоридир.

Умуман олганда антик давр донишмандларининг ижодида сиёсат инсон борлиғи, ҳаётининг энг муҳим жиҳати деб таҳлил қилинган ва баҳоланган. Улар тасвирида инсоният жамият ва давлат бир биридан узоқда, бир бирига қарши турмаган бирликлардир. Давлатнинг бирдан бир мақсади жамият аъзоларига бахтли ҳаёт кечириш учун имкон, шароит яратиб беришдан иборат бўлган. Бироқ мутафаккирлар наздида киши ҳар қандай давлатда эмас, балки оқилона ва ижтимоий адолат принциплари заминида ташкил этилган давлат, жамиятдагина ўзининг нималарга қодир эканлиги, нима учун яшаётганлигини намоён қила олади. Шунинг учун ҳам антик файласуфлари ўз таълимотларида мукаммал давлат барпо этишни орзу қилганлар.

Европада жамият ижтимоий-сиёсий ҳаёти масалаларига бўлган қизиқиш марказлашган давлатларни ташкил этилиши-Уйғониш даврига келиб янги аҳамият касб этади.

Яқин ўтмишда мустақил фан сифатида тан олинмаган политология (юнонча politika-давлат ёки ижтимоий ишлар ҳамда logos-таълимот фан ўз тараққиёти давомида 2,5 минг йилликдан кўпроқ уч босқичли:

Бунда италиялик жамоат арбоби, сиёсатдон, ёзувчи Никколо Макиавеллининг (XV-XVI асрлар) хизматлари катта бўлди. У ўзидан олдинги диний-мифологик қарашларга зид ҳолда сиёсат масаласига дунёвий, реал фактларга асосланган таълимотларни ишлаб чиқди. Ҳалокатга учраётган феодализм ва эндигина шаклланиб келаётган капитализмни, ҳуқумдорларнинг ахлоқсизлик ниқоби остидаги жирканч башараларни аёвсиз танқид остига олди.

Макиавеллининг сиёсий реализми ахлоқ-одобни мутлоқлиги ва сиёсатни нисбийлигини тасдиқлаб беришда ҳам ўз ифодасини топди. Сиёсий воқеа, ходисалар, жараёнларга баҳо беришда дейди у “эзгулик ва ёвузлик” нормалари нуқтаи назаридан ёндашиш мумкин эмас. Зеро сиёсий мақсадга эришишда ва давлатни мустаҳкамлашда иккиюзламачилик, хиёнат, хаттоки куч ишлатиш каби воситалардан ҳам фойдаланиш керак⁸. Сиёсатда тез-тез қўлланилиб туриладиган “Макиавеллизм” иборасининг мазмун моҳияти ана шундан иборат.

Мутафаккир ҳокимият устига келишнинг иккита йўлини-жамиятдаги озчиликни ташкил этувчи туравачча-зодогонлар ёки кўпчиликни ташкил этувчи оддий халқ ёрдамида амалга оширилишини яни давлат бошқарувини республика шаклини кўрсатиб ўтади. Бу билан у ҳар бир фуқарони давлатнинг тақдири учун масъул қилиб қўяди. Унинг “Халқни тушунмоқ учун подшоҳ бўлиш, шоҳлик табиатини англаб етмоқ учун халққа тегишли бўлиш керак⁹” деган ибораси ҳам худди шу нуқтаи назардан билдирилган бўлса керак.

Олим фикрича бошқарувнинг республика шакли халқнинг фуқаролик ҳислат-фазилатларини шаклланганлиги, унинг сиёсий-ижтимоий етуқлик даражасига боғлиқ. Агар халқда фуқаролик ҳис-туйғуси тўла ривожланмаган бўлса сиёсий ташкилотлар фаолиятига жиддий футур

⁸ Қаралсин: Фалсафа:Қомусий луғат. 234 б.

⁹ Макиавелли Н. Сосудирь. пер.С-ит.-М.: “Планета”, 1990. С.29-32

етказилади ва бошқарувнинг ушбу шакли ўзини оқламайди. Макиавеллининг энг олий мақсадларидан бири Италияда марказлашган кучли унитар давлатни барпо этишдан иборат эди.

Сиёсий қарашлари XVII аср инглиз буржуа инқилоби таъсири остида шаклланган Томас Гоббс давлатни “Суний тана”, яъни уни худо томонидан эмас, балки одамлар томонидан ташкил этилганлигини эътироф этади. Унингча барча кишилар жисмоний ва ақлий жиҳатдан тенгдирлар. табиат ҳаммага бир хил ҳуқуқ ва имконият яратиб берган. Ана шу инсоний бир хилликни ҳаётга татбиқ этиш жараёнида кишилар ўртасида “ҳаммани ҳаммага қарши уруш”и бошланади. Бундай уруш барчани қирилиб кетилиши хавфини туғдиради ва инсонлар ўртасида тинчликни таъминлаш заруратини келтириб чиқаради.

Гоббс жамиятдаги тинчлик-осойишталикни таъминловчи ягона восита ижтимоий шартнома асосида қўриладиган давлат деб ҳисоблайди. Демак унинг вазифаси жамият хавфсизлигини таъминлашдан иборат. Шунингдек файласуф “Халқ фаровонлиги давлатнинг олий қонуни бўлмоқлиги”¹⁰ни таъкидлаб ўтади. Давлатни тузиш билан бир вақтда дейди у одамлар ўзларини давлатни бошқаришдаги ҳуқуқларини ё бир киши-монархга, ёки жамиятдаги барча табақаларнинг вакиллари-республикага, ёхуд бирорта табақа вакиллари-аристократларга узатадилар.

Ҳақиқатда эса Гоббс мутлоқ Монарх ҳокимияти тарафдори бўлиб чиқади ва ҳокимиятни қандайдир тармоқларга бўлинишини ҳам хоҳламайди.

Буюк инглиз файласуфи, сиёсатшунос Жон Локкнинг (XVI-XVII асрлар) сиёсий ғоя ва қарашлари ўз даврининг энг реалистик таълимотлардан бири деб ҳисобланади. Уни либерал ғоявий-сиёсий ҳаракатнинг даҳиси деб номланиши ҳам бежиз эмас. Ж.Локк биринчи марта “шахс”, “жамият”, “давлат” тушунчаларини бир-биридан фарқлашга аниқлик киритди ва шахсни жамият ва давлатдан устун туришини кўрсатиб ўтди.

Файласуфнинг фикрича инсон ҳеч ким томонидан тортиб олинishi мумкин бўлмаган яшаш, эркинлик ва мулкка эга бўлиш каби табиий ҳуқуқлар билан дунёга келади. У ҳам ижтимоий шартнома асосида ташкил этиладиган давлат ғоясини олға суради. Лекин Т.Гоббснинг бу ҳақдаги таълимотидан фарқли ўлароқ Монарх ҳокимиятини мутлоқлаштирмайди. аксинча, давлат жамиятга бўсунади, жамият эса-шахсга.

У давлат ва жамият тушунчалари бир-биридан фарқланишидан келиб чиқиб давлат ҳокимиятини қўлаши жамият барбод бўлишини билдирмайди деб уқтиради Ж.Локк Конституцион Монархия бошқаруви тарафдори бўлиб буржуа сиёсатшунослиги тарихида биринчи марта ҳокимиятни тармоқларга: қонун ишлаб чиқарувчи, ижро этувчи ва иттифок (федератив) ҳокимиятларга бўлинишини ихтиро қилди. Шунингдек мутафаккир ўзидан олдинги сиёсатни давлат билан тенглаштириш, таққослаш ўрнига давлат ва фуқаролик жамиятини ўзаро алоқадорлиги, боғлиқлигини таъкидлаб ўтди.

Ж. Локк сиёсий ғоя ва қарашларининг давомчиси ўзининг машҳур “қонунлар руҳи” ёки “бошқарув шакли” асари билан донг чиқарган. Француз файласуфи, сиёсатшунос, тарихчи Шарль Луи Монтескье кишиларни иқлим, дин, қонунлар, бошқарув принциплари, ўтмиш тажрибаси, урф-одатлар орқали бошқарилиши натижаси ўлароқ халқнинг умумий руҳи шаклланади деган хулосага келади. Шунингдек, олим жамиятнинг сиёсий ҳаёти нафақат ижтимоий факторлар: (дин, урф-одат, турмуш тарзи машғулоти) билангина эмас, балки давлатнинг географик жойлашуви, муҳит, иқлим билан ҳам белгиланишини башорат қилади.

Масалан, иссиқ ҳарорат, иқлим халқнинг жасурлиги, ботирлиги каби хислатларини сўндиради, унга салбий таъсир кўрсатади. Бундай ҳудудда истибод, зулмкор ижтимоий тузум ўрнатилади. Халқ эса мавжуд зулмга, ҳокимиятни суъистемол қилинишига қаршилик кўрсата олмайди, тақдир-қисматга тан беришга мажбур бўлади. Совуқ иқлим эса одамларда жасурлик сифатларини сақлаб қолиш ва мамлакатда республика бошқарувини қарор топишига олиб келади. Европадаги мутадил иқлим монархияга мойилликни шакллантиради¹¹.

Мутафаккир мустабид феодал сиёсий ҳукмронлик тизимини танқид остига олиб ҳокимиятни қонун ишлаб чиқарувчи ижро этувчи ва суд ҳокимиятларга бўлади. Давлат ҳокимиятини ана шу тармоқларга бўлиниши деб уқтиради Монтескье ҳуқуқ, қонун устиворлиги ва ҳокимият тармоқларининг мустақиллигини таъминлашга, ҳокимиятни бир киши қўлида

¹⁰ Қаралсин: Фалсафа. Қомусий луғат. 93 б.

¹¹ Қаралсин: Каменская Е.Н. Политология. Курс лекций. Ростовна Дону. Феникс. 2004. С.42.

марказлашиб қолишига йўл қўймаслигига хизмат қилади. Одам ўзини ўзи суд қила олмагандек ўзи қабул қилган қарор бажарилишини ҳам назорат эта олмайди.

Йирик француз файласуфи, сиёсатшунос-демократ, маърифатпарвар Жан Жак Руссо (1712-1778 йй) ижодининг диққат марказида инсон муаммоси жамиятдаги ижтимоий-сиёсий ва моддий тенгсизлик ётади. У давлат келиб чиқишининг асосий сабаби ҳам ана шу тенгсизликдан деб баҳолайди ва уни икки хилга-кишиларнинг ёши, соғлиги, мулкдорлигига ва бошқа ижтимоий ҳолати билан боғлиқ жисмоний тенгсизлик ва кишининг табиий ҳолати билан боғлиқ бўлмаган, узоқ давом этадиган тараққиёт махсули бўлган сиёсий тенгсизликка бўлади. Ижтимоий шартнома заминида қурилган давлат тарафдори Ж.Ж.Руссо давлатнинг асосини онгли мақсад-вазифа, аниқ режа ва кишилар ўртасидаги келишув ташкил қилишини таъкидлаб ўтади. Халқ суверенитети масаласи олим сиёсий таълимотининг ўзаги бўлиб у бўлинмас ва ажралмасдир.

Ж.Ж.Руссо демократик ғоялар ижодкоридир. Ижтимоий шартнома асосида тузилган давлатда Олий ҳокимият халққа тегишлидир. Мансабдорлар халқ томонидан сайлаб қўйилади. Зеро халқ ҳукмдорга нисбатан хато камчиликларга камроқ йўл қўяди¹². Бундай давлатда ҳокимият суъистемол қилинса, тузилган шартномаларига риоя қилинмаса шартноманинг бекор қилиниши ва бошқарувни демократик шаклини жорий қилиниши зарурлиги кўрсатиб ўтилади¹³. Ҳукмдор қонундан устун туриши мумкин эмас. Қонунчиликнинг бош мақсади барча фуқароларни бахтли қилиш ва уларнинг эркинлиги, тенглигини таъминлашдан иборатдир. Қаерда халқ қонун ишлаб чиқарувчи бўлса ўша ерда демократия¹⁴ деб таъкидлайди-аллома.

Юқорида номлари зикр қилинган мутафаккирлар асарларида барча жамият аъзоларининг иштирокида амалга ошириладиган бошқарув шакл-шамойиллари, ижтимоий ўз-ўзини бошқаришнинг янги тартиб-тамойиллари ва меҳнат қилишнинг ҳамма учун мажбурийлиги ғоялари ўз аксини топди. Уларнинг мутлоқ кўпчилиги ҳозирги кунда ҳам ўз актуаллигини йўқотган эмас.

¹² Қаралсин: История политических учений. 218 б.

¹³ Ўша ерда. 217 б.

¹⁴ Ўша ерда. 216 б.